

ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИК-ЖАМИЯТНИНГ БУГУНИ ВА ЭРТАСИ

*Ўзбекистон Экологик партияси Қорақолпоғистон республикаси
Қанликўл тумани кенгаши раиси: Н.Қ.Ешимуратов*

Аннотация: Мақолада 21- асрнинг энг глобол муоммаларидан бири бўлиб улгурган экологик вазиятнинг табора ортиб бориши ва бунга инсониятнинг хавфсизлик чораларини кўриш каби масалалр баён қилинган.

Калит сўзлар: Хавф, хавфсизлик, табиат, ҳаёт, ҳалокат, талофат, муҳит, шикастланиш, жароҳатланиш, зарарланиш, ходисалар, инсон, таъсир, мувозанат, фаолият, жараёнлар, ишлаб чиқариш.

Инсоният ўзига-ўзи ҳукм тайёрлайди. Инсон ҳар томонлама барча ресурслардан фойдаланишни ошириб бормоқда. Фан-техника тараққиёти беқиёс ривожланди. Бунинг натижасида атроф, табиий муҳит ҳалокатли равишда тез ифлосланиб, бузилмоқда. Экологик муаммолар давлат чегараларини ҳамда бошқа тўсиқларни билмайди. Улар глобал ҳусусиятлар касб этади. Экологик ўзгаришларнинг салбий ҳусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мамлакатимизда экологик муаммоларни ижобий ҳал қилишга катта эътибор берилмоқда. Республикамиз мустақилликка эришгач, соғлом авлодни тарбиялаб ўстириш учун алоҳида аҳамият берилмоқда. Ёш авлоднинг ва умуман табиатнинг жонли қисмининг соғлом ўсиши табиатнинг жонсиз қисмини ташкил қилган ер, сув ва ҳавонинг тозалигига боғлиқдир.

Экологик хавфсизлик кишилиқ жамиятининг бугуни ва эртаси учун долзарблиги, жуда зарурлиги боис энг муҳим муаммолар жумласига киради. Бу муаммолар амалий тарзда ҳал этилса, кўп жиҳатдан ҳозирги ва келгуси авлод турмушининг аҳволи ва сифатини белгилаш имкониятини беради. Ўзбекистон Конституциясида фуқоролар табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойлиқларини кўриқлашлари шарт эканлиги кўрсатиб ўтилган. Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида 1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикаси Қонуни тасдиқланди. Олим, мутахассис ва сиёсий арбобларни экология ва соғломлаштириш муаммоларига жалб этиш, шунингдек, халқнинг экологик билимини ошириш мақсадида 1992 йилда Халқаро ЭКОСАН Жамғармаси ташкил этилди. Республикамизда кейинги беш йил 5 ичида табиатни муҳофазалаш, Орол денгизи, экологик таълим ва тарбия муаммоларига бағишланган халқаро ва республика илмий-услубий кенгашлари бўлиб ўтди; натижада экологик назорат кучайтирилиб, замонавий технология ва ишлаб чиқариш усулларига ўтиш ҳисобига чиқиндилар миқдорининг камайиши кузатилмоқда. Табиий муҳитни муҳофазалаш учун сарфланадиган харажатлар миқдори уни шикастлаб, қайта тиклашга кетадиган харажатларга нисбатан камдир. Шунинг учун хавfli ҳолатларни олдиндан билиш, тегишли чораларни кўриш, экологиянинг асосий вазифаларидан биридир. Фан-техника тараққиёти биз яшаб турган дунёни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборди. Экологик ҳалокат, айрим худудларда қилинган таҳминларга кўра, олдини олиб бўлмас

даражасида хавф туғдирмоқда. Аммо унинг тарқалишини камайтириш, техноген ва ижтимоий-маданий оқибатлар шиддатини тўхтатиш зарур. Бунинг учун турли соҳа мутахассислари ўзларининг экологик билимларини ошириб, режалаштирилаётган ишлари билан табиий муҳитга зарар етказмаслик чораларини кўришлари керак. Экологиянинг салбий ўзгаришлари оқибатларининг асосий сабабларидан бири ер, сув, минерал хом ашёлардан фойдаланиш принципларини бузилишидир. Айнан шу принцип халқ хўжалигининг кам самарали экстенсив йўлдан бориши учун қулай шароитлар яратди, ресурсларни тежайдиган техника ва технологиянинг кенг жорий қилинишига тўсқинлик қилди, шунингдек, атроф муҳитга зарар етказган ҳолда режани бажариш каби ғайри экологик ёндошувни келтириб чиқарди. Марказий Осиё қишлоқ хўжалигини экстенсив ривожлантириш, ер ва сувдан тартибсиз фойдаланиш натижасида Орол денгизи қурий бошлади. Унга яқин жойлашган ерларнинг экологик системаси, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси чуқур инқирозга учради. Минтақанинг юз минг гектарлаб ерлари жизғанақ бўлиб, шўрланиб унинг бир қисмини касаллик қўзғатувчи зараркунандалар ва касалланган ўсимликлар эгаллаган. Оролнинг қуриган қисмидаги ерлардан тузлар учиб б улар шамол кучи сўна бошлаган ҳудудларда йиғилиб, ёмғир сувининг минераллашувини, ерларнинг шўрланишини оширишга, тоғдаги музликларнинг эришини тезлатишга сабаб бўлмоқда. Ўзбекистон Фанлар академияси маълумотларига қараганда Орол денгизидан кўтарилган тузлар республиканинг жануби – шарқий тоғларидаги доимий музликларга тушмоқда ва уларнинг эриш жараёнини тезлатмоқда. Чўлланиш ва ерларни ишдан чиқиш жараёнига таъсир этмоқда.

Азизлар, она- табиат чиндан ҳам бизнинг онамиз, ҳаёт-мамотимиз. Уни келгуси авлодларга ҳам бутун ҳолида етказишимиз лозим. Тоза ва покиза табиатни асрашга ҳар биримиз масъул эканлигимизни унутмайлик!

Адабиётлар:

1. Баратов П. Табиатни муҳофаза қилиш. Т.: «Ўқитувчи», 1991
2. Ниғматов А. Экология ҳуқуқи. Т.: 2004
3. Тўхтаев Т., Ҳамидов А. Экология асослари ва табиатни муҳофаза қилиш. Тошкент, «Ўқитувчи», 1994